Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 44 (4739).
23 ФЕВРАЛЬ 1982 й.
СЕШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 3 тийин

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Мали халқ Демократик иттифоқи I съездига йўллаган табриги эълон қилинган.

● 22 февраль куни Тошкентда очилган Бутуниттифоқ зона семинари КПСС XXVI съезди қарорларини амалга оширишда лекция пропагандаси ролини оширишга бағишланди.

Семинар иштирокчилари КПСС XXVI съезди қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг йўлйўриқлари ва тавсиялари, КПСС Марказий Комитетининг «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллиги тўғрисида»ги қарори асосида лекция пропагандасининг муҳим вазифаларини муҳокама қиладилар. Улар тажрибани ўртоқлашадилар, Тошкент меҳнат коллективларида лекциялар ўқийдилар.

Мукофот зафарларга чорлайди

Республикамиз 1981 йилги Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг ғолиби деб топилганлиги ҳамда КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланганлиги тўғрисидаги хабар Ўзбекистон меҳнаткашларини ғоят қувонтирди ва уларни янада илҳомлантирди. Жиззах, Сурхондарё, Тошкент областлари, бир қанча шаҳарлар ва районлар, ўнлаб саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотлари, колхоз ва совхозлар, ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг коллективлари ҳам юксак мукофотга сазовор бўлдилар. Бутун республикада шу шонли воқеага бағишланган тантанали митинглар бўлиб ўтмоқда.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланган ва Бутуниттифоқ «Ҳурмат тахтаси»га номи ёзилган «Ташметрострой» трестида 22 февраль куни бўлиб ўтган митингда проходкачилар бригадасининг бошлиғи Л. Токарчук сўзга чиқиб республикамиз тўққизинчи марта кетма-кет юксак мукофотга сазовор бўлганлигидан қалбимиз ифтихор ҳис-туйғуларига тўлиб-тошмоқда. Тошкентлик метросозлар барча кўрсаткичлар бўйича ўтган йил планини ошириб адо этдилар, деди.

Шу куни Ленин орденли ва Халқлар дўстлиги орденли Бутуниттифоқ пахтачилик илмий-тадқиқот институти (СоюзНИХИ)да ҳам кўп минг кишилик митинг ўтказилди. Институт КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғига сазовор бўлди. Митингда сўзга чиққан кишилар партия ва ҳукумат совет фанини ривожлантириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилаётганлигини уқтириб, пахтазорлар ҳосилдорлигини ошириш учун, барча янги ва илғор усулларни қишлоқ хўжалигига жорий этиш учун курашга ўзларининг бутун куч, билим ва ғайрат-шижоатини бағишлашга қарор берганликлари тўғрисида гапирдилар.

Митингларнинг катнашчилари меҳнат коллективлари партия XXVI съезди қарорларини, ўртоқ Л. И. Брежневнинг кўрсатмаларини муваффақиятли амалга ошириш, СССР ташкил топган куннинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун, шу йил ва умуман беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани янада кенг авж олдиришга интилаётганликлари тўғрисида гапирдилар. (ЎзТАГ).

КПСС XXVI съездининг бир йиллигига

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ—ҲАЁТГА

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг тарихий XXVI съезди Ватанимиз пойтахтида ўз ишини бошлаганига роппа-роса бир йил тўлди.

Съезд совет жамиятини янада ривожлантиришнинг янги, улкан истиқболларини белгилаб берди. Совет кишилари турмуш савиясини янада ошириш учун, бутун ижтимоий ҳаётимизни янада такомиллаштириш учун курашда янги режаларни илгари сурди, келгуси йилларда шонли партиямиз принципиал сиёсий йўлини белгилаб берди.

Партия XXVI съезди ғоялари таъсири остида ўтган ўн биринчи беш йилликнинг тўнғич йилида миллионлаб кишиларнинг турмуш тажрибаларида партия қарорларининг улуғвор кучи ва чуқур асосланганлиги ёрқин ва ишончли намоён бўлди. Ҳар бир совет кишиси чин қалбдан қабул қилган съезд ғоялари тобора моддий кучга, бутун тараққиётимизнинг қудратли жадаллаштирувчи кучига айланиб бормоқда. Тошкентликларнинг съезддан кейин ўтган бир йил ичидаги зарбдор меҳнати бунинг ёрқин далилидир. Шаҳар саноати 25 декабрдаёқ буюмларнинг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш ва реализация қилиш бўйича йиллик топшириқни бажаргани ҳақида рапорт берди. Қўшимча 50 миллион сўмлик турли буюмлар реализация қилинди. Минглаб тошкентликлар ўз иш жойларида зарбдорона, вақтдан ўзиб ишламоқдалар, юзлаб ва минглаб меҳнатчилар учун «Бир беш йилликда—икки беш йилликни бажарамиз», «Сафимизда қолоқлар бўлмасин» ватанпарварлик ташаббуслари жанговар шиор бўлиб қолди.

СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа меҳнат коллективларида кенг тус олмоқда. Ўнлаб илғор ишчилар мамлакатимиз юбилейини икки ярим— уч йиллик топшириқни бажариш билан кутиб олишмоқчи. Тошкент ишлаб чиқариш коллективларида илғорлар ташаббуси қизғин қўллаб-қувватланди.

«СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта» шиори остида минглаб тошкентликлар смена нормаларини ошириб бажармоқдалар. КПСС XXVI съезди қарорларини ҳаётга тадбиқ этиш учун курашда одатдагидек олдинда боришяпти. Коммунистлар Леонид Ильич Брежневнинг КПСС Марказий Комитети ноябрь [1981 йил] Пленумида айтган қуйидаги сўзларини ҳамиша ёдда тутадилар, «Меҳнат коллективларидаги вазият, кайфият, демакки ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ҳам коммунистларнинг қандай ишлашига боғлиқ. Ҳар бир коммунист...—ўз участкасида бутун куч, тажриба ва билимини резервларни қидириб топишга, меҳнат самарадорлигини оширишга сарфлайдиган бўлиши керак, меҳнатдаги фидокорликнинг муносиб намунасини кўрсатиши лозим».

Газетамизнинг бугунги сонидаги материаллар шаҳар партия ташкилоти коммунистларининг беш йиллик режаларини бажаришда етакчилик қилаётганликлари ҳақида ҳикоя қилади.

АЛ-ХОРАЗМИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 1200 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

АСРЛАР ОША БАРҲАЁТ

22 февраль куни Тошкентда Ўрта Асрнинг буюк алломаси Муҳаммад ибн Мусо Ал-Хоразмий таваллудининг 1200 йиллигига тайёргарлик кўрувчи ва уни ўтказувчи Бутуниттифоқ ҳамда республика ташкилот комитетларининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Москва, иттифоқдош республикаларнинг таниқли олимлари, партия, совет, жамоат ташкилотларининг вакиллари иштирок этдилар.

Ал-Хоразмий туғилган куннинг 1200 йиллигига тайёргарлик кўрувчи ва уни ўтказувчи Бутуниттифоқ ташкилот комитетининг раиси, СССР Фанлар академиясининг вице-президенти, академик П. Н. Федосеев кириш нутқи сўзлаб мажлисни очди. У қуйидагиларни айтди: куни кеча КПСС Марказий Комитетининг «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллиги тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Ана шу ҳужжатда мамлакатимиз халқлари олтмиш йил мобайнида босиб ўтган буюк тарихий йўлнинг якунлари чиқарилган, халқларимиз эришган тарихий ютуқларни ҳар томонлама илмий ёритиш вазифаси ўртага қўйилган ва тарихнинг буржуа сохтакорларини фош қилиш зарурлиги таъкидланган. Шу муносабат билан Ал-Хоразмийнинг бўлажак юбилейига тайёргарлик ғоят катта ижтимоий-сиёсий ва илмий аҳамиятга эгадир.

Илм-фан ва жаҳон цивилизацияси тарихида Ал-Хоразмий меросининг буюк аҳамияти шундан иборатки, у бундан минг йилдан ҳам кўпроқ вақт муқаддам ўз давридан ўзиб кетиб, билимнинг энг муҳим соҳалари — арифметика, алгебра, астрономия, география, Ўрта Осиё халқлари тарихи соҳасида ўзининг энг асосий асарларини яратиб, аслида ўша даврга қадар тўпланган билимларни жамул-жам қилиб қамраб олди. Ал-Хоразмий меросига ўз давридан, жамиятнинг иқтисодий ва маданий ривожланиш шароитларидан ажралмаган ҳолда баҳо бериш керак. Унинг асарлари IX аср ўрталарида — X аср бошларида Хоразм воҳаси территориясидаги халқларнинг экономикаси, ижтимоий ҳаёти эришган реал даражани акс эттиради. Шу жиҳатдан олганда Ал-Хоразмийнинг асарлари Ўрта Осиё халқларининг жаҳон цивилизацияси тараққиётига қўшган ҳиссасини ҳарчанд камайтириб кўрсатаётган буржуа тарихчиларининг уйдирмаларига қарши ишонтирарли далилдир.

Мажлисда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти академик О. С. Содиқов, Ал-Хоразмий юбилейига тайёргарлик кўрувчи ва уни ўтказувчи республика ташкилот комитети раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Т. Н. Осетровнинг, Тожикистон ССР Фанлар академиясининг президенти, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси М. С. Осимовнинг, СССР Фанлар академияси Табиатшунослик ва техника тарихи институтининг илмий ходими Б. А. Розенфельд, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги В. П. Шчеглов, Арманистон ССР Фанлар академияси мухбир аъзоси С. С. Аревштян, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг илмий ходими А. А. Аҳмедов, Хоразм область ижроия комитети раиси К. С. Сапаевнинг докладлари ва ахборотлари тингланди.

Сўзга чиққан кишилар Ал-Хоразмийнинг меросини, унинг Ватан ва жаҳон фанига қўшган ҳиссасини ўрганишга мамлакатимизнинг ҳамма жойида жуда катта эътибор берилаётганлигини қайд этиб ўтдилар. Ўрта аср шарқи генеал олимининг барча энг муҳим асарлари нашр этилган. Махсус илмий группа ташкил этилган бўлиб, олимнинг барча асарларини қидириб топиш ва нашр этиш шу группа вазифасига киради. Москва ва Ленинград, иттифоқдош республикаларнинг олимлари тайёрлаётган биргаликдаги илмий асар улуғ математик ва астроном, географ ва тарихчининг меросини умумлаштиради.

Ўзбекистонда Ал-Хоразмийнинг математика, астрономия, географияга доир асарлари унинг юбилейигача рус ва ўзбек тилларида бешта китоб қилиб нашр этилади. Асрлар оша бизгача етиб келган арифметика ва алгебрага доир машҳур трактатлар яна босмадан чиқарилади. Ана шу трактатлар ўн хоналик ҳисоб системасини бошлаб берган бўлиб, у ҳозирги кунда ҳам бутун математиканинг асоси бўлиб қолмоқда. Буюк тадқиқотчи ҳайкали барпо этилади, шаҳарлар ва посёлкалардаги кўчаларга, илмий муассасалар ва ўқув юртларига унинг номи берилади.

Ал-Хоразмий юбилейига бағишланган тантаналар ҳамма жойда кўп миллатли совет фанининг катта байрами сифатида ўтказилади ва Коммунистик партия раҳбарлигида, қардош халқларнинг ягона оиласида экономика ва маданиятнинг барча соҳаларини мислсиз равнақ топтиришга эришган, КПСС XXVI съезди қарорларини муваффақиятли равишда амалга ошираётган мамлакатимиз халқлари ютуқларининг ёрқин ифодаси бўлади.

Мажлисда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари Л. И. Греков, О. У. Салимов, КПСС Марказий Комитети секторининг мудири Н. В. Пилипенко, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. Т. Турсунов иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

«Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг 5-филиалида кўплаб коммунистик меҳнат зарбдорлари меҳнат қилади. Бу илғорлар ҳамиша социалистик мусобақанинг олдинги сафларида бориб, бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар.

СУРАТДА: коммунистик меҳнат зарбдорлари Н.Криворотова, К. Мирзамуҳамедова, Х. Муҳаммаджонова ва Г. Оқилбоевалар тайёр маҳсулотни кўздан кечиришмоқда.

ЙИЛЛИК ПЛАН—МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

ШАҲАР ИНДУСТРИЯСИ ОДИМИ

Шаҳар саноат корхоналари коллективлари СССР ташкил этилганлигининг — 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириб, асосий халқ хўжалик буюмлари ишлаб чиқариш ва реализация қилиш бўйича 1982 йил январь ойи планини муваффақиятли адо этдилар. Натижада саноат маҳсулоти реализация қилиш бўйича ойлик план 102,2 процент бажарилди.

Шаҳар статистика бошқармаси маълумотига қараганда, меҳнат унумдорлиги топшириққа нисбатан 102,4 процентни ташкил этди. Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 102,6 процент бўлди, меҳнат унумдорлиги эса 1981 йилнинг январь ойига нисбатан 2.4 процент юксалди. Ишлаб чиқариш ҳажмининг меҳнат унумдорлигини юксалтириш эвазига ўсиши 76,9 процентни ташкил этди.

Товар маҳсулот реализация қилиш бўйича давлат топшириғини шаҳарнинг барча районлари бажарди.

Шаҳар районларида шу йилнинг январь ойида саноат ишлаб чиқариши ўсиш суръати ва планнинг бажарилиши қуйидаги маълумотлар билан изоҳланади:

Шаҳар районлари	Шу йилнинг январь ойида реализация бўйича планнинг бажарилиши %да	Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати (процентларда): реализация бўйича	ишлаб чиқариш ҳажми бўйича	меҳнат унумдорлиги бўйича	1981 йилнинг январь ойида соц. мажбуриятларнинг бажарилиши %да
Шаҳар бўйича	102,2	100,5	102,6	102,0	144,3
Акмал Икромов районы	104,1	100,9	101,7	101,4	220,0
Киров районы	101,3	90,5	95,4	95,3	78,7
Куйбишев районы	101,9	102,9	102,9	102,1	170,4
Ленин районы	102,7	104,2	100,4	98,8	213,1
Октябрь районы	102,8	104,9	104,5	103,2	135,7
Собир Раҳимов районы	102,1	107,4	106,0	104,3	106,4
Сергели районы	101,6	109,0	114,4	110,3	108,0
Фрунзе районы	100,9	102,2	102,4	108,0	135,2
Чилонзор районы	105,4	110,9	108,2	105,6	250,0
Ҳамза районы	102,6	89,1	100,0	99,1	125,2

1982 йилнинг биринчи ойида Тошкент саноати планга қўшимча 5 миллион 737 минг сўмлик маҳсулот реализация қилди. Шу жумладан, Акмал Икромов районы 372 минг сўмлик, Киров районы 185 минг сўмлик, Куйбишев районы 852 минг сўмлик, Ленин районы 799 минг сўмлик, Октябрь районы 509 минг сўмлик, Собир Раҳимов районы 399 минг сўмлик, Сергели районы 256 минг сўмлик, Чилонзор районы 399 минг сўмлик, Ҳамза районы 1.628 минг сўмлик, Фрунзе районы 338 минг сўмлик планга қўшимча маҳсулот реализация қилди.

Ишлаб чиқариш ҳажмини юксалтиришда экскаватор, «Ташавтоматика», «Ўзбекхлопкомаш» бирлашмасининг машинасозлик, лак-бўёқ, «Эталон», 3-ун, грампластинкалар, химия-фармацевтика, электротехника, «Ташхимсельмаш», кўн-мўйна, «Ташэлектромаш» заводлари; миллий чолғу асбоблари, мебель ойналари, ипак йигириш, бош кийимлар, кўн-галантерея буюмлари фабрикалари, «Сигнал» илмий-ишлаб чиқариш, «Тошкент» мебель бирлашмалари, «Силикат» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси; «Турист» комбинати, «Ташкентвино», 2-дон маҳсулотлари, 1-уйсозлик, 2-уйсозлик комбинатлари юксак суръатларга эришдилар.

Кўпгина корхоналар шартномадаги мажбуриятларини бажара бориб, муҳим халқ хўжалиги буюмлари ишлаб чиқариш ва буюртмачиларга буюмлар етказиб бериш бўйича январь ойи топшириғини уддаладилар.

Шундай қилиб, биринчи марра муваффақиятли эгалланди. Ишнинг манфаатлари юксак суръатни сусайтирмасликни, меҳнатни ташкил этишни такомиллаштиришни, ишлаб чиқаришнинг моддий-техника таъминотини яхшилашни тақозо этади.

«ЕТТИЛАР ТАШАББУСИ»—АМАЛДА

ЭЗГУ МАҚСАД БИЛАН

«Социалистик мусобақани ташкил этиш яхшилансин ва унинг таъсирчанлиги оширилсин, социалистик мусобақа планларни тўла ва ошириб бажаришга, ишнинг юксак сифатли бўлишини таъминлашга, меҳнат унумдорлигини ўстиришга йўналтирилсин... Ўртоқларча ҳамкорлик ва меҳнатда ўзаро ёрдам ривожлантирилсин».

(«СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари»дан).

Тошкент тўқимачилик комбинатининг юзлаб ишчилари КПСС XXVI съезди очилган куннинг бир йиллигини меҳнатда муносиб туҳфалар билан кутиб олишяпти. Ўн биринчи беш йилликнинг юксак марраларига, ҳар бир иш жойида мавжуд резервлардан қандай фойдаланиш мумкинлигини барчага кўрсатиб, корхона машъаллари йўл очишяпти. Айниқса, 2-фабрика тўқувчиси, Ўзбекистон Компартияси XX съезди делегати Евгения Александровна Губинанинг ютуқлари катта таассурот қолдиради.

Партия XXVI съезди қарорларини жанговар программа сифатида қабул қилган Тошкент тўқимачилик комбинатининг бу донгдор тўқувчиси шаҳардаги саноат корхоналарининг етти машъал ишчиси қаторида беш йилликда ўн йиллик нормани бажариш ташаббуси билан чиқди.

Ветераннинг сўзи иши билан бир. 1982 йилнинг декабрь ойида тўқувчи беш йиллик бошидан бери 481.696 метр хом сурп ишлаб чиқариб, икки йиллик планни бажарганлиги ҳақида рапорт берди.

БУГУН тўқувчи 1983 йилнинг июнь ойи ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқара бошлади.

Евгения Александровна ишдаги кўрсаткичлари билан комбинатнинг энг илғор ишчиларидан ўзиб кетди. У бунга соҳа нормасидаги 19 та ўрнига 40 та мокисиз станокда хизмат кўрсатиш натижасида эришаяпти. Губинанинг станоклари «Искра» пахта-лавсан газламасини тўқийди. Тандалар, кромка ва полотнони диққат билан кузатиб бориш лозим.

Евгения Губина меҳнатнинг самарали усуллари кенг ёйилиши ҳақида доимо қайғуради. Унинг ўзи кўп станокка хизмат қилиш тажрибасини икки ёш тўқувчи — Рисолат Мирзақобилова ва Алла Зипаровага ўргатаяпти. Бугунги кунда уларнинг ҳар бири 21 станокка хизмат қилишяпти.

«Еттилар ташаббус»и корхоналарда кенг оммалашди. Мусобақада тўқувчилар Н. Ершова, К. Ёқуббоева, М. Раҳмонова, йигирувчилар Ш. Тошматова, В. Эргашева, З. Городецкая, мастер ёрдамчилари С. Пўлатов, Т. Исломов, В. Коростелев ва бошқалар дурустгина, ютуқларни қўлга киритишяпти. Меҳнат илғорлари бугунги кунда 1983 йил ҳисобига ишлашяпти.

Тажриба ўргатишда бошқа ишлаб чиқариш илғорлари—ёшлар мураббийлари ҳам аъло натижаларга эришишяпти. Мураббийлар ҳозир комбинатда 1200 га яқин, улар қўлида 1.583 ёш тўқувчи касб маҳорати сирларини ўрганишяпти. Улар ҳисобига кўп станокчилар сафи ўсмоқда. Ҳозирги пайтда 2.487 ишчи техникага хизмат кўрсатишда соҳа нормасидан юқори зичликда ишлашаяпти.

Евгения Александровна мусобақа пешқадамлари сафи ўсаётганлигидан чин дилдан қувонмоқда. У ишчилар олдида сўзлаганда ривожланиб бораётган кўпстанокчилик ҳаракати самарали бўлиши, уларнинг юксак меҳнат унумдорлиги аниқ инженерлик таъминотига боғлиқ эканлигини кўп марта таъкидлаган.

—Маҳсулот ишлаб чиқариш ўсишининг анчагина қисмига,—деб таъкидлайди Е. Губина. — Реконструкция, янги қувватларни ишга тушириш, меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш туфайли эришиляпти. Жамоат ишлаб чиқаришининг ўсишининг айнан шу омилларига партия съездида катта аҳамият берилди. Лекин биз янада олға боришимиз лозим. Съезд қарорларида енгил саноат буюмлари ишлаб чиқаришни 18—20 баравар ўстириш белгиланган. Бу мураккаб ва масъулиятли вазифа. Бунга эришиш учун барча куч-қувватни сарфлаш лозим.

Тўқувчи унумдорликни янада кўтариш мақсадида ҳар бир меҳнат операциясида секундларни тежайди. Ҳозир у ўз олдига СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига қадар тўрт йиллик топшириқни бажаришдек эзгу мақсадни қўйди. Ҳозир шу мақсадини амалга ошириш учун катта ғайрат билан меҳнат қилмоқда.

«Тошкент оқшоми» коллектив мухбири — «Тўқимачилар овози» газета редакцияси.

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ БАЙРАМИ

Ўзбекистон жамоатчилиги Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флотининг 64 йиллигини кенг нишонламоқда. Байрам кечалари, Гражданлар уруши ва Улуғ Ватан уруши ветеранлари билан учрашувлар, томошалар, концертлар, Совет Қуролли Кучларининг тарихи ва ҳозирги кунига оид кинофильмлар кўриклари шу тарихий санага бағишланди.

22 февраль куни Тошкентдаги Алишер Навоий номли театрда шонли санага бағишланган тантанали йиғилишга партия, совет ва жамоат ташкилотлари, шаҳар меҳнат коллективлари, маҳаллий гарнизон жангчиларининг намояндалари тўпландилар.

Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондони генерал-полковник Ю. П. Максимов йиғилишда доклад қилди. У Туркистон ҳарбий округи жангчилари мамлакатнинг бутун қуролли кучлари билан биргаликда КПСС XXVI съезди қарорларида, ўртоқ Л. И. Брежневнинг йўл-йўриқлари ва тавсияларида ўртага қўйилган вазифаларни шараф билан бажараётганликларини уқтириб ўтди. Округ жангчилари СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олишга тайёрланиб, ўз маҳоратларини қунт билан такомиллаштириб, совет халқлари кўп миллатли оиласининг тинч меҳнатини ҳушёрлик билан қўриқламоқдалар.

Йиғилишда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари Л. И. Греков, Т. Н. Осетров, А. А. Хўжаев, Н. М. Маҳмудова, Л. Н. Мелкумов, У. Умаров иштирок этдилар. (ЎзТАГ).

СЎЗ — КПСС XXVI СЪЕЗДИ ДЕЛЕГАТИГА

ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА

1981 йил мамлакатимиз тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилди. Бу йил совет халқи учун унутилмас йиллардан бўлиб қолади. Чунки ўша йилнинг 23 февралида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVI съезди ўз ишини бошлади. Бу воқеа менинг ҳаётимда ҳам бир умр муҳрланиб қолган. Мен Совет Иттифоқи коммунистларининг улкан анжумани делегати бўлишдек юксак бахтга сазовор бўлдим. Съездда сўзга чиққан делегатларнинг нутқларини зўр қизиқиш ва қониқиш мамнунияти билан эшитдим. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVI съездида ўртоқ Леонид Ильич Брежнев Ҳисобот доклади қилар экан, ҳозир партия сафларида 17 миллион 480 минг нафар коммунист борлигини, бу катта куч эканлигини таъкидлаб ўтди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев ўн биринчи беш йиллик қурувчилар учун жиддий имтиҳон беш йиллиги бўлади деб айтди. Чунки совет кишиларининг бахти ва фаровонлиги бизнинг қандай ишлашимизга ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир. Биз ўзимизнинг қурувчилик касбимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Менинг бригадам В. И. Ленин номли СССР Халқлари дўстлиги Саройи қурилишида ва бу ердаги майдонни бунёд этишда иштирок этганлиги билан фахрланади.

Ҳозир бизнинг коллективимиз Пушкин кўчасида бунёд этилаётган турар-жой биноларни қурилишида иштирок этяпти. Метронинг Ҳамид Олимжон номли станцияси яқинида 16 қаватли турар жой биноларни қад ростлайди. Биз бу ерда ўз ҳамкасбларимиз — москвалик қурувчилар билан ҳамкорликда ишламоқдамиз. КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларини бажариш — барча совет кишиларининг, коммунист ва комсомолларнинг асосий вазифасидир.

Ҳар йили Тошкент шаҳар қурилиш Бош бошқармасининг бўлинмалари 250 миллион сўмликдан зиёд қурилиш-монтаж ишларини бажармоқдалар. Бу — тошкентликлар ҳар йили минглаб квартира, кўплаб болалар боғчалари, поликлиника, янги ўқув муассасалари ва бошқа объектларини қабул қилиб оладилар, демакдир.

Ҳозир биз СССР ташкил этилган куннинг 60 йиллигини ва жонажон Тошкентимизнинг 2000 йиллик юбилейини қизғин нишонлашга тайёргарлик кўрмоқдамиз. Мана шу шонли саналаргача бир қатор ажойиб объектлар ишга тушириладики, булар шаҳримизнинг ҳуснига ҳусн қўшади. «Москва» меҳмонхонаси, Горький номли театр, уч залли «Фестиваль» кинотеатри, Ҳадра майдонидаги транспорт тоннели ва бошқа объектлар шулар жумласидандир.

Ҳамид ҚОРАБОЕВ,
Тошкент шаҳар қурилиш Бош бошқармаси 11-«Висотстрой» трестига қарашли 17-қурилиш бошқармасининг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

СЪЕЗД БЕЛГИЛАГАН ОЙДИН ЙЎЛДАН

• Партия режалари — халқ режалари | • *Партиянинг кучи — халқ билан бирликда* | • Ҳамма нарса инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун! | • *Коммунистлар — халқнинг чинакам революцион авангардидир*

СЎЗ — КПСС XXVI СЪЕЗДИ ДЕЛЕГАТИГА

Коллектив меҳнатининг бахти

КПСС XXVI съезди ишида қатнашиш мен учун ғоят катта бахт бўлди. Бу шундай юксак анжуманки, унда истиқбол йўли аниқ кўринади. Ўнинчи беш йилликда бажарилган ишлар навбатдаги ўн йилда амалга ошириладиган улкан программа учун пойдевор бўлган дейиш мумкин. Ҳа, биз коммунистлар XXVI съезд қарорларини ҳаётга тадбиқ этиш учун кўп ишлашимиз керак, дердим мен ўзимга-ўзим.

Шу боисдан биз шаҳар меҳнатчиларига: «Ўн биринчи беш йиллик плани — муддатидан илгари» шиори билан мурожаат этдик ва ўз шахсий ибратимиз билан ўртоқларимизни эргаштирдик.

Дастлабки қийин йил ортда қолди. Тўғри, кўп иш қилинди. Бизнинг Акмал Икромов районимизда уй-жойлар 15 минг квадрат метрдан ортиқ кўпайди, янги болалар боғчалари қурилди, касалхоналар, маиший хизмат корхоналари қурилиши яхшиланди. Бу ишларнинг ҳаммаси менга — халқ депутатига яхши таниш. Бироқ сайловчиларнинг наказларини бажариш бўйича ҳали кўп иш қилиниши керак.

Бизнинг совет турмуш тарзимиз шундай: ҳар бир янги босқич олдимизга янада фаровонликни ошириш бўйича янги истиқболлар очиб беради, кишиларнинг моддий ва маънавий бойлиги янада ўсади.

Съездан кейинги дастлабки йил менинг ҳаётимда ҳам дуруст излар қолдирди. Мен шахсий мажбуриятимни муддатидан илгари бажардим, янги машинада ишлашни ўзлаштирдим, бу ишга бошқаларни ўргатдим.

Бизнинг булка-кондитер комбинатимиз тармоқдаги энг замонавий корхоналардан бири бўлиб қолди. Бу ерда жиҳозлар янгиланди, янги корпуслар қурилиши бошланди, ишлаб чиқариш маданияти бир мунча ўсди, самарадорлик яхшиланди, кишилар активроқ бўлиб қолди. Менинг атрофимдагилар менга ҳамиша ғамхўрлик кўрсатишади. Мен ҳам уларга шундай муносабатда бўламан.

Ўтган давр партия XXVI съезди белгилаган тинчлик учун кураш Программасини собитқадамлик билан амалга ошириш даври бўлди. Ватанимизнинг иқтисодий қудратини янада мустаҳкамлаш учун 1982 йилда янада кўпроқ ишлашимиз керак. Бу планета узра тинч осмонимиз ҳамиша мусаффо бўлишининг омилидир. Бизни бахтга етакловчи коллектив меҳнатимиз ажойиб натижалар бераверсин.

Н. ИБРОҲИМОВА,
булка-кондитер комбинати машинисти, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати.

Коммунистнинг шахсий намунаси

БУНЁДКОРЛАРНИНГ ОЛДИНГИ САФИДА

Партиямиз XXVI съездида қилган Ҳисобот докладида ўртоқ Л. И. Брежнев «КПСС Марказий Комитети... бинокорлар, транспортчиларни янги беш йилликни зарбдорларча, ташаббускор меҳнат — Ватан бахт-саодати йўлидаги меҳнат билан нишонлашга даъват этади!» деган эди.

Бунга лаббай деб жавоб бераётган коммунист, пойтахтимизнинг юзлаб ажойиб бинокорларидан бири ҳақида ҳикоя қиламиз.

...Мамадали ака Чориевни пойтахтимизнинг София проспектида қурилаётган «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчилик ва тўқув цехлари қурилишида учратдик. У иш билан банд экан. 20 қурувчига раҳбарлик қилаётган Мамадали ака 38 йилдан бери қурилиш майдонларида тер тўкиб келади. У бошлиқ бригада комплекс бўлиб, интернационал ҳамдир. Улар сафида рус, ўзбек, тожик, қозоқ, татар каби турли миллат вакиллари бир оила фарзандларидек қўлни-қўлга бериб меҳнат қилмоқдалар.

Мамадали аканинг бригадирлик стажига бу йил 34 йил тўлади. Ўзбекистон ССР қурилиш министрлигига қарашли «Ташпромстрой» трестининг 1-қурилиш-монтаж бошқармасининг Мамадали Чориев бошлиқ коммунистик меҳнат бригадасини кўпчилик яхши билади.

Биз объектда унинг бўш вақти — қулай фурсатни топиб бафуржа суҳбат қурдик.

Мамадали ака ёшлигида қийинчиликларни бошидан кечирган экан. Болалар уйида катта бўлган экан. Шунинг учун ҳам ёшлигидан меҳнатга ҳавас қўйган. 63-ҳунар-техника билим юртини муваффақиятли битириб, қурувчилик касбини бир умрга танлаган.

— Менга қурувчилик касбини, — дейди у, — Ҳожи ота Отаев ўргатган. Мен у отахондан бир умрга миннатдорман.

Йиллар, ойлар ўтди. Мамадали аканинг тажрибаси ортди. 1971 йилда у шонли КПСС сафига қабул қилинди. У кўп йиллик меҳнат фаолияти давомида ўнлаб бинолар қурилишида фаол қатнашди. Тошкент тўқимачилик комбинати, пластмасса буюмлари заводи, «Тошкент» мебель бирлашмаси бинолари, Муқимий кўчасидаги турар-жой бинолари шулар жумласидандир. Унинг ҳамкасбларидан — ғишт терувчилар Исмоил Пардабоев, Ғофир Аҳмедов, Александр Кириллов, бетончи Кифия Галимова, пайвандчи Аҳмад Мўйдиновлар шу кунларда объект қурилишида зарбдорона ишламоқдалар.

Халқимиз азалдан ҳунарни эъзозлаб келади. Мамадали аканинг қўлида бир эмас, бир неча ҳунар бор. У пайвандчи, ғишт терувчи, бўёқчи, дурадгор ва бошқа хил ҳунарларга эга.

Мамадали ака 5 фарзанднинг отасидир. Ўғли Бахтиёр 63-ҳунар-техника билим юртини битириб, ҳозир ота изидан бориб, бўёқчи бўлиб ишламоқда.

М. Чориев кўпгина чет мамлакатларда бўлган. У Болгария, Румыния, Венгрия, Чехословакия, Югославия, Австрия, Греция, Туркия ва бошқа мамлакатларда бўлиб, совет қурувчисининг бой иш тажрибалари билан ўртоқлашган. Ҳа, Мамадали ака кўп йиллик меҳнат фаолияти мобайнида ажойиб тажриба тўплади. Партия ва ҳукуматимиз унинг фидокорона меҳнатини муносиб тақдирлаган. У 1970 йилда Ленин ордени билан мукофотланди. Унга Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган бинокор фахрий унвони берилди. Икки марта Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланган. Унинг кўксини В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги юбилейи медали, 9 ва 10-беш йиллик зарбдори нишонлари безаб турибди.

Коммунист қурувчи ҳақида участка бошлиғи Николай Ажибеков шундай фикр билдирди:

— Мамадали ака энг тажрибали қурувчиларимиздан. У бошқарма партия бюросининг аъзосидир. Бошқа жамоат топшириғини ҳам бажаради. Кўнгилли халқ дружинаси аъзоси сифатида Сергели районида тартиб бузилишларининг олдини олишда актив қатнашяпти. Чилонзор районида эса штатсиз участка инспекторидир. У шаҳар ижроия комитети ички ишлар бошқармасининг совғалари билан ҳам мукофотланган.

Ишнинг катта-кичиги бўлмайди. У бор ҳунарини ишга солиб халққа сидқидилдан хизмат қилмоқда. Элу юртга хизмат қилган киши эса бахтини топаверади. Ҳа, Мамадали ака ёшлигида одамлар меҳр-муҳаббати, элу юрт ғамхўрлигига яраша қандай қилиб муносиб жавоб қайтарсам экан деб юрарди. Қурувчилик касби унга ана шу юксак орзунинг ушалишига йўл очди.

— Қурувчилик касбини танлашингизнинг боиси нимада? — деган саволимизга у шундай жавоб қайтарди.

— Ёшлигимдан қурувчилик касбига меҳр қўйганимни айтдим. Ахир, сен бунёд этган уйларда ҳамшаҳарларингнинг қувониб яшаётганлигини кўрганингда севинчингга-севинч қўшилади-да! Шаҳар айланиб юрганимда ўзимиз қурган биноларни кўриб қалбим қувончга тўлади. «Халқимга нафим тегаяпти, у берган тузни оқлаяпман» деб кўнглим тоғдек ўсади.

Ҳ. ИНОҒОМОВ.

КПСС XXVI съезди енгил саноат ходимлари олдига катта ва масъулиятли вазифалар қўйди. Чидамли, сифатли ва бежирим маҳсулотларни кўплаб ишлаб чиқариш юзасидан съезд талабларини бажаришга интилаётган «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг кўпгина меҳнат коллективлари фидокорлик намуналарини кўрсатмоқдалар. Пўлатой Шомуротова бу корхонада 25 йилдан буён сидқидилдан ишлаб келади. У съезд қарорларига жавобан зарбдорона меҳнат қилиб, ойлик топшириқларини мунтазам 130-140 процентдан адо этмоқда. Тўқув цехида уни ҳамма коммунистик меҳнат зарбдори сифатида ҳурмат қилади.

АКТИВ ҲАЁТИЙ ПОЗИЦИЯДА

«Ўзбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасида 61 та комплекс бригада бор. Улар ўз сафига 800 дан зиёд кишини бирлаштирган. Биронта цех ёки участка йўқки, унга бригада ижобий таъсир кўрсатмаётган бўлсин. Тажриба шуни кўрсатдики, янги усулда ишлаётган бригадаларда одатда техника, хом ашё, материаллардан самаралироқ фойдаланиляпти.

Цех партия ташкилотлари бригадаларни тузишда актив қатнашдилар. Партия ташкилотлари бригадаларни коммунистлар ҳисобига мустаҳкамлаб, партия группаларини бевосита ана шу меҳнат коллективларида тузишга интилмоқдалар. Ҳозир бирлашма бригадаларидаги партия группалари сони 14 тага етди. Қуюв цехи автоматик қолиплаш линияси, 3-темирчилик-пресслаш цехининг пластмасса участкаси, 10-цехнинг йиғув участкаси ва бошқа жойлардаги партия группалари катта обрў қозонган. Бугун ана шулардан бири 10-механика-йиғув цехининг гальваника участкаси партия группаси ҳақида ҳикоя қиламиз.

Смена 7.30 да бошланади. Борис Владимирович эшик олдига келиб одатдагидек соатга қаради — еттидан ошибди. Цехга шошилаётган ишчиларга электрокар сигнал бериб, ўтиб кетди. Корпус дастгоҳларнинг шовқинига тўла эди. Иш куни бошланди.

— Бизнинг участкамизга ҳам кимдир келганга ўхшайди, — ўйлади Саломахин. Кийиниш хонасида чироқ ёқилган эди. Икки ишчи иш кийимини киймоқда. Партия группаси ташкилотчисининг кайфияти кўтарилиб кетди. Бригада тузилгани меҳнат интизомига ҳам таъсир қилибди. У ва бригадир меҳнат интизомини бузилган вақтларни ҳам ёддан чиқаришармиди. Бир пайтлар ҳатто ишчи куни бўйи ҳам ишхонада кўринмас эди. Прогулга мутлақо чек қўйилди. Умум иши учун коллектив меҳнати ва коллектив суратда жавобгарлик, бунинг устига партия группасининг тарбиявий ишлари ижобий натижа бермоқда. Ҳозир Саломахинни бир неча кундан буён бўлганидек бошқа бир нарса ҳаяжонлантирарди. Партия группаси муҳокамасига бу масалани киритиб бутун коллектив фикрини эшитиш вақти келди. Дастлабки ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириб, у мажлисни бугуноқ ўтказишга аҳд қилди.

Смена алмашиш чоғида бригаданинг барча саккиз аъзоси мастер хонасига тўпланишди. Партия группасининг ташкилотчиси гапни чўзиб ўтирмай, мақсадга ўтди:

— Ўзимизга берилаётган топшириқларни муваффақиятли бажараяпмиз, — деди у.— Бригаданинг ҳар бир аъзоси зарбдорона ишламоқда. Проблема йўқдек туюлади, лекин биз ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг барча резервларидан фойдаланаяпмизми? Мен партия группасининг аъзолари билан маслаҳатлашиб, бу масалани очиқчасига гаплашиб олишга қарор бердим.

Бригада бошлиғи, коммунист В. Старжинский йирик деталларни янгича ишлаш қандай самара беради. Буни қандай қилиш керак? Ана шу ҳақда сўзлади. Ўз кучимиз билан махсус ванна жорий этишга қурбимиз етмайди.

Ҳар томонлама муҳокама, бригаданинг ҳар бир аъзоси ўз фикрини билдиргандан кейин шундай қарор қилинди: ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш бўлимига мурожаат қилиб, улардан махсус ускуна тайёрлашни илтимос қилиш керак. Бош технолог бўлимида бу фикрни маъқуллашди. Буни амалга оширишга шу бўлимнинг инженери, коммунист Я. Молодчик катта ёрдам берди.

Партия группасининг ишлаб чиқариш фаолиятига таъсири ҳақида кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Участкада икки сменада бир тоннадан зиёд турли майда деталларга ишлов беріляпти. Уларни ташиш пайтида бир неча гайка ёки болтлар тўкилиб қоларди. Сиртдан қараганда арзимаган нарсага ўхшаб туюлади. Лекин бир ойда анчагина миқдорда тўпланиб қоларди. Партия группаси унчалик кўзга ташланмайдиган бу ҳолга ҳам барҳам берди. Коммунистлар таклифи билан улар махсус идишларга ташиладиган бўлди.

Бригададаги ҳар бир коммунист актив ҳаётий позицияси билан ажралиб туради. Ёш ишчилар билан ишлашми, ўз сиёсий билими ёки касб малакасини оширишми, рационализаторлик ё ихтирочилик масаласими — ҳар бири активликни талаб этади. Виктор Григорьев бригадага яқиндагина келган эди. Коммунистлар ёш ишчи ҳақида ғамхўрлик қилишди. Ҳозир у гальваника сирларини яхши биладиган тажрибали мутахассисдир.

Коммунист В. Старжинский бир неча рационализаторлик таклифларининг муаллифидир. Партия группаси коммунистларининг ташкилотчилик роли айни мана шу соҳада ҳам яққол кўриниб турибди. Гальваник И. Пельтекис билан ҳамкорликда химикатларни тежаш таклифи ишлаб чиқилди.

Ҳар бир кун янги қувонч ва муваффақиятлар келтирмоқда. Айни пайтда ҳал этилиши лозим бўлган янги масалаларни ўртага ташламоқда. Партия группаси коммунистлари бу масалаларни коллектив суратда ижобий ҳал этишяпти. Бунда бригаданинг ҳар бир аъзоси актив қатнашяпти. Коллектив ядроси деб ҳақли суратда атаганимиздек, бригада партия группасининг етакчилик роли ана шунда конкрет кўриняпти.

А. ТЮРИКОВ.

Инсон саломатлиги йўлида хизмат қилаётган Тошкент химия-фармацевтика заводида партия XXVI съезди бўлиб ўтган бир йил ичида техника жиҳатдан қайта жиҳозлаш ишлари ниҳоясига етиб қолди. Янги автоматик линиялар қўл меҳнатини кескин камайтириш имконини бермоқда.

СУРАТДА: корхона 1-филиалининг ишлаб чиқариш участкаларидан бирида.

М. Нуриддинов фотолари.

Йўловчилар хизматида

Бошқа кўпгина проблемалар каби транспорт проблемасини ҳам ажралган ҳолда ҳал этиш мумкин эмас.

(Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВнинг КПСС XXVI съездида қилган Ҳисобот докладидан).

Аҳил коллективимиз КПСС XXVI съездини бир йиллиги нишонланадиган кунни меҳнатда зарбдорларча кутиб олди. Бугунги кунда ўнлаб шоферларимиз зиммага олган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажаришди. Корхонамиз коммунистлари ёшларга мураббийлик қилишиб, барчанинг ҳурматига сазовор бўлмоқда. 15-маршрут бригадири Ф. Тингеров беш йилликни тўрт йилда бажаришга аҳд қилиб, ҳозир апрель ойи ҳисобига меҳнат қилмоқда. 9-маршрутга бригадирлик қилаётган А. Абдусаломов ҳам 18 шоферга бошчилик қилиб, бригадаси билан апрель ойи ҳисобига меҳнат қилмоқда.

СССР ташкил топган куннинг 60 йиллигини зиммага олган топшириқни ортиғи билан адо этиш, йўловчиларга ҳамиша намунали хизмат кўрсатишга аҳд қилган 10-маршрут бригадири В. Чернитцов зарбдор ҳафталарининг тўрттасида ҳам ғолиб чиқиб, корхонанинг эсдалик совғалари ва пул мукофоти билан тақдирланди. Ҳозир бу бригада азаматлари май ойи ҳисобига меҳнат қилишмоқда. Ана шу илғор бригадаларнинг уччаласи ҳам бригада пудрати бўйича ишлашиб, йўловчилар олқишига сазовор бўлишмоқда.

Коллективимиз ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йил планини 19 декабрда бажариб, пландан ташқари 295 минг йўловчига хизмат кўрсатиб, 75 минг сўмлик фойда берган эди. Янги йилни зарбдорона бошлаган шоферларимиз январь ойида пландан ташқари 25 минг йўловчига хизмат кўрсатишди. Февраль ойини йигирма кунлигида пландан бир кун олдинда кетмоқдамиз.

Корхонамиз янги машиналар ҳисобига ҳам кўпайиб бормоқда. Ўтган йили «РАФ—2203» маркали машиналардан 38 та олган бўлсак, бу йил ана шу маркадаги машиналардан яна 20 таси келтирилди. Ана шу янги машиналарни тўлиб бориши ҳисобига янги маршрутларни очиш имконияти туғилди. Ўтган йили аҳолига қулайлик туғдириш мақсадида олтита янги маршрут ишга туширилган бўлса, бу йил яна бешта янги маршрут очилади.

Ҳар куни 156 та машинада ҳамшаҳарларимиз хизматига чиқарилаётган машиналаримиз 30 мингдан ортиқ йўловчининг узоғини яқин этаётганлигидан мамнунмиз.

Ф. ПАРПИХУЖАЕВ,
«Главташпассавтотранс» бошқармасининг 2-маршрутли такси корхонаси директори.

Виктор Запорожский партия XXVI съезди қарорларини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшмоқда. Унинг 2-троллейбус парки механика-йиғув цехига ишга келганига роппа-роса бир йил бўлди. Шу давр ичида у кунлик нормасини мунтазам 110-115 процентдан адо этди. Ҳозир у слесарлик касбининг миридан-сиригача пухта эгаллаб олган.

И. Шоиноғомов фотоси.

ИШЧИНИНГ ҚАЛБ СЎЗЛАРИ

ФАХР ТУЙҒУСИ

«Енгил саноатда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 18—20 процент кўпайтирилсин. Кўплаб талаб қилинаётган юқори сифатли моллар ишлаб чиқариш кўпайтирилсин. Айниқса, хотин-қизлар учун махсус кийим-кечак ва махсус оёқ кийимлар ассортименти ва сифати яхшилансин. Ишлаб чиқарилаётган тўқимачилик материалларининг структураси яхшилансин».

(«СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ҳамда 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари»дан).

Эсимда, ўтган йили худди шу кунларда Ватанимиз пойтахти — Москвада бўлиб ўтаётган КПСС XXVI съезди ишини мен ҳам бутун меҳнаткашлар каби катта ҳаяжон ва ифтихор туйғуси билан кузатдим. Съезд қарорларида белгилаб берилган вазифалар, «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ҳамда 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари»нинг ҳар бир банди нақадар катта мазмун билан суғорилганлигини ҳар бир совет кишиси чин дилдан ҳис қилади. Партиямиз съезди қарорлари — жамиятимиз ривожи ва иқтисодий тараққиёти йўналишларини олдилона кўрсатиб берди. Шунинг учун бугунги кунда ана шу қарорларни бажариш, уларни ҳаётга тадбиқ этиш учун жонбозлик кўрсатиш ҳар бир меҳнаткашнинг шарафли бурчидир.

Республикамиз меҳнаткашлари шу қисқа муддат давомида эришган зафарларни бир ўтиришда сарҳисоб қилиб чиқиш қийин. Энг муҳими съезд қарорлари шижоаткорона амалга оширилмоқда. Меҳнаткашлар съезд қарорларига жўшқин ва зарбдорона меҳнат билан жавоб бермоқдалар.

Ҳаётимиздаги ҳар бир йил катта-катта воқеаларга бой. Мана, бу йил буюк мамлакатимиз ўзининг 60 йиллик муборак юбилейини нишонлайди. Ана шу муносабат билан бутун иттифоқдош республикалар бўйлаб «СССР 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта» ташаббуси кенг қулоч ёйди. Бу ташаббус шу кунларда айниқса кенг тус олди. Совет кишилари ўзлари учун табаррук бўлган бу айёмни муносиб туҳфалар билан қаршилаш учун сидқидилдан, фидокорлик кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар.

Мен ишлаётган «Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг 5-филиали коллективи қўлга киритаётган ютуқлар, филиал тикувчиларининг жўшқин меҳнатидан далолат беради. Филиалимиз коллективи ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилини катта кўрсаткичлар билан якунлади. Йиллик план муддатидан илгари 110 процентга етказиб бажарилди. Чеварларнинг кўпчилиги айни кунларда 1983—1984 йиллар ҳисобига маҳсулот топширишмоқда. Мен шу ерда 30 йилдан бери тер тўкиб келаётган Р. Кутузова, М. Аллатрева сингари ветеран ишчилар номини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчи эдим. Бу тикувчилар ойлик план-топшириқларини 140 — 150 процентдан бажариш билан бир қаторда, кўпгина ёш тикувчиларга мураббийлик қилмоқдалар, уларга йўл-йўриқ кўрсатмоқдалар.

Менинг ўзим шу корхонада ўн икки йилдан бери ишлаб келяпман. Ойлик план топшириқларимни мудом 150 — 160 процентга етказиб бажаришга муваффақ бўляпман. Филиалимизда 10 номдан ортиқ маҳсулот тайёрланади. Бу маҳсулотларни тайёрлаш кишидан катта тикувчилик маҳоратини талаб қилади. Ишни бекаму-кўст бажаришим туфайли коллектив мени эъзозлайди. Шундан бир нарсага қаттиқ ишонч ҳосил қилганман. Киши меҳнатни қанчалик қадрласа, у эл ўртасида эъзоз топади. Партия ва ҳукуматимиз ҳам меҳнатимни муносиб тақдирлади. Куни-кеча Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотландим. КПСС XXVI съезди қарорларидан руҳланиб меҳнат қилаётган мендай оддий ишчига съезд йиллиги арафасида бундай ёрлиққа сазовор бўлиш қалбимни беқиёс фахр туйғуси билан тўлдирди.

В. ТУРСУНОВА,
«Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси 5-филиалининг тикувчиси, коммунистик меҳнат зарбдори.

ФАН — ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

Партия режалари — бизнинг режаларимиз

Катта фаннинг куч-ғайрати назарий проблемаларни ишлаб чиқиш билан бир қаторда жуда муҳим халқ хўжалик масалаларини ҳал қилишга, ишлаб чиқаришга чинакам революцион ўзгартишлар олиб киришга қодир бўлган кашфиётларга тобора кўпроқ даражада жалб этилишига мамлакат ниҳоятда муҳтождир.

(КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВнинг КПСС XXVI съездида қилган Ҳисобот докладидан).

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVI съезди ўз ишини бошлаганига бир йил бўлди. Бугун босиб ўтилган йўлга назар ташлаб, якунларини кўриб чиқиб, бу давр ичида қанчалик кўп иш қилинганлигини ҳис этасан, киши. «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари»да таъкидлаб ўтилганидек, ўсимликларнинг сермаҳсул навларини етиштиришга эътиборни қаратиш зарур.

Вилтга энг чидамли навлардан бири ҳисобланган «АН—402», «Самарқанд-2», «Самарқанд-3» чигит навлари экиладиган майдонлар кенгаймоқда. «АН—Ўзбекистон—3», «Оқ олтин» навлари янада кўпроқ майдонга экилади. «АН—Боёвут—2», «Октябрь—60» сингари истиқболли навлар кенг синовдан ўтказилади. Шундай қилиб, бизнинг институтимизнинг ўнта районлаштирилган ва истиқболли навларини ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йилида бир қанча майдонга экиш мўлжалланяпти.

Партия режаларини амалга ошира бориб, биз бундан ҳам юксакроқ марраларни мўлжаллаяпмиз. Олимлар пахтанинг вилтга чидамли навлари бўйича генетик ва селекция ишларини кучайтирмоқдалар. Айни пайтда институт деҳқончиликнинг янги системаси — суғориладиган майдонлар ҳосилдорлигини оширишга қаратилган ишларни жорий этишни давом эттиради.

Ўтган йили институт олимлари ишлаб чиққан бу система 60 минг гектар майдонда қўлланилди. Унинг иқтисодий самараси 4 миллион сўмга яқин бўлди.

Институтда ғўзанинг шўрга чидамлилигини ошириш усули ишлаб чиқилган, у кенг жорий этилмоқда. Ўтган йили у Хоразм, Бухоро областлари ва Қорақалпоғистон АССРнинг шўрхок ерларида 120 минг гектар майдонда қўлланилди. Унинг иқтисодий самараси 18 миллион сўмни ташкил этди.

Республиканинг кўпчилик хўжаликларида олимлар таклиф этган янтарь кислотаси усулидан пахтачиликда кенг фойдаланиляпти. Уни қўллаш 41 миллион сўмлик иқтисодий самара берди.

Шундай қилиб, қишлоқ хўжалигида институт томонидан ишлаб чиқилган ишларни жорий этиш натижасида ўтган йили 126 миллион сўмлик иқтисодий самара олинди. Буларнинг ҳаммаси эса пойтахтнинг Куйбишев райони илмий коллективлари ўртасидаги социалистик мусобақада ғолиб чиқишимизга имкон берди. Биз партия талабларини бажара бориб, социалистик мусобақани янада ривожлантиришга ҳар бир лабораторияни, ҳар бир ходим ишига баҳо бериш мезонини такомиллаштиришга катта эътибор берамиз. Ана шундагина КПСС XXVI съезди белгилаб берган юксак марраларга эришишга, илмий ишлар самарадорлигини янада оширишга муваффақ бўламиз.

Р. НАЗАРОВ,
Ўсимликлар экспериментал биологияси институти партия ташкилотининг секретари, биология фанлари кандидати.

БУГУН—СОВЕТ АРМИЯСИ ВА ҲАРБИЙ-ДЕНГИЗ ФЛОТИ КУНИ

ЕНГИЛМАС ВА ҚУДРАТЛИ АРМИЯ

• ТАРИХ СОЛНОМАСИДАН

Халқ ифтихори

1917 йил 26 октябрь куни Шайхонтоҳурда ўтган умумий йиғилишнинг кун тартибидаги биринчи масала ўзбек қуролли дружинасини тузиш эди.

Сўз большевик Очил Бобожоновга берилди:

— Биз, рус пролетариати билан биргамиз. Улар билан қўлни қўлга бериб Советлар ҳокимияти учун курашамиз. Чунки бу ҳокимият биз, ўзбек меҳнаткашларини миллий зулмдан халос қилибгина қолмай, чорикорларга ер-сув, иш, нон, эркинлигимизга гаров беради.

Тошкентлик уста О. Бобожоновнинг сўзи гулдурос қарсаклар билан кутиб олинди. Ўша куни 300 га яқин ўзбек йигитлари қуролли дружинага ёзилди.

Бу дружина 1917 йилги октябрь қуролли қўзғолонида большевиклар тарафида оқ гвардиячиларга қарши жанг қилди. О. Бобожонов, С. Қосимхўжаев, М. Мирходиев, Н. Хўжаев каби Тошкент меҳнат аҳли етакчилари бу дружинанинг ташкилотчилари эди.

1918 йилнинг 19 — 26 январь кунлари бўлган Туркистон Советларининг IV ўлка съезди социалистик армия ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Республика Халқ Комиссарлари Совети бу ишга бир миллион сўм маблағ ажратди. Ишчи ва солдат депутатлари Тошкент Совети қошида 1918 йил 15 февралда Қизил Армия штаби тузилди. 2 март куни эса Тошкент Қизил Армиянинг биринчи отряди ташкил топиб, тез орада биринчи ўзбек ва биринчи Тошкент миллий батальонлари шаклланди. Доҳиймиз В. И. Ленин имзоси билан РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг ҳарбий округлар, жумладан, Туркистон Ҳарбий округини таъсис этиш ҳақидаги декрети эълон қилинди. 1918 йилнинг ўрталарига келиб Совет Туркистони Қизил Армиясининг шахсий составида 20 минг кишидан ортди. У ички ва ташқи контрреволюцияга қарши ҳаёт-мамот жангларида чиниқди, сон ва сифат жиҳатидан ўсди.

Гражданлар уруши ва чет эл интервенцияси йилларида Каспий, Ашхобод, Оқтепа фронтлари халқасида қолиб, марказий Россиядан ажратилган Совет Туркистонидаги кескин курашларда маҳаллий ўзбек меҳнаткашларидан ажойиб саркардалар етишиб чиқди. Миркомил Миршаропов ана шундай саркардалардан эди. 1918 йилдан большевиклар партияси аъзоси Миркомил эски шаҳарда тузилган отлиқ аскарлар дружинаси командири сифатида 1919 йилда хоин Осипов исёнини бостиришда жасорат кўрсатди. 1920 йили эса машҳур лашкарбоши М. В. Фрунзе топшириғи билан эскадрон командири сифатида Хоразмга, Жунаидхон босмачиларига қарши курашга юборилди. Қорақум саҳросидаги кескин ва шиддатли жангларда ўз истеъдодини намойиш этди. Қаҳрамонона жанг операциялари учун у биринчи марта жанговар Қизил Юлдуз ордени ҳамда Хоразм Халқ Совет Республикасининг ордени билан мукофотланди. Миркомил Миршаропов Фрунзе номли ҳарбий академияни битиргач, полк сўнг эса ўзбек отлиқлар дивизияси командири бўлди. Бўлғуси генерал Собир Раҳимов унинг қўл остида хизмат қилган эди.

Ўрта Осиёдаги ҳарбий қурилиш тарихида миллий қисмларнинг шаклланиши катта аҳамият касб этади. Ишчи-деҳқон Қизил Армиясининг бошқа қисмлари сафида тенг ҳуқуқли миллий бўлинмаларнинг ташкил этилиши ленинча сиёсатнинг ёрқин намойиши бўлди.

Ўзбек миллий ҳарбий қисмларини ташкил этиш ғояси Ш. Элиава, М. Фрунзе, В. Куйбишев, Г. Бокий, Ф. Голошчекин, Я. Рудзутак каби йирик партия ва ҳарбий арбоблардан иборат Туркомиссиянинг 1923 йил октябрь ойидаги мажлисида муҳокама этилди. Ўша йилнинг декабрь ойида командирлар тайёрловчи Бирлашган Ўрта Осиё ҳарбий мактаби ташкил топди ва 1927 йилда В. И. Ленин номидаги Бирлашган ҳарбий мактабга қўшилиб, В. И. Ленин номидаги Бирлашган Ўрта Осиё ҳарбий мактаби номини олди.

Миллий қисмлар, жумладан, ўзбек ҳарбий қисмлари ташкил этилгани ва улар муваффақиятли фаолият кўрсатгани натижасида, Улуғ Октябрь инқилобидан илгари ҳарбий билимлардан четлатилган халқлар Советлар мамлакати мудофааси учун ажойиб кадрлар етказиб берди. Уларнинг кўпчилиги кейинчалик машҳур командир бўлиб етишди. Совет Иттифоқи Қаҳрамони генерал Собир Раҳимов номи билан боғлиқ офицерлар корпуси вакилларидан истеъфодаги генерал-лейтенант Ф. Норхўжаев, Ўзбекистон ССР граждан мудофааси штаби бошлиғи, генерал-лейтенант С. Охунжонов шулар жумласидандир. Бу икки генерал Ф. Норхўжаев ва С. Охунжонов Улуғ Ватан уруши даврида ташкил этилган 94-махсус ўқчи бригадада — ўзбек халқи маблағи асосида тузилган миллий қўшинда хизмат қилишди. Файзулла Норхўжаев бригада артиллерияси қўмондони, Собиржон Охунжонов эса автоматчилар ротаси командири сифатида Москва ва Сталинград мудофаасида жасорат кўрсатишди.

Ҳа, революциядан аввал ҳарбий қурилишдан, ҳарбий санъатдан атайлаб четлатилган ўзбек халқи Улуғ Октябрь социалистик революциясидан сўнг ўз сафидан ажойиб командирларни етиштириб чиқарди. Улар Улуғ Ватан урушида ўз санъатларини намойиш қилишди. Бугунги кунда ҳам улар Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти шахсий составида ўз жанговар фаолиятларини давом эттирмоқдалар.

Туркистон Компартияси Марказий Комитетининг органи бўлган «Иштирокиюн» газетаси «Аскарлик — буюк шарафдир» деб номланган редакцион мақоласида шундай ёзган эди: «Ўз лашкарига эга бўлган халқ енгилмасдир. У доимо мангу, барҳаёт». Ҳа, ўзбек халқи бутун совет халқи қатори енгилмас Совет Армияси билан ҳақли равишда фахрланади.

Ҳ. СОДИҚОВ,
тарих фанлари кандидати.

Взвод агитатори, комсомол аъзоси Исроил Маҳмудов Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти кунини жанговар ва сиёсий тайёргарликда яхши натижаларга эришиш билан кутиб олди.

СУРАТДА: И. Маҳмудов. А. Асанов фотоси.

Сўнмас у кунлар шуҳрати

НУРЛИ ТАҚДИР

ТАБИАТ ИНСОНИ шу қадар қодир, шу қадар чиройли ва ақлли яратганки, у берилган умр қадрига ета олади. Умрни оқар дарёга ўхшатадилар. Ҳақ гап. Инсон умри узун бўлмаса-да, бир марта берилган умрни жасорат билан, садоқат билан ўтказганга нима етсин. Мен Тоҳиржон ота Собиров сиймосида ана шундай инсонни кўраман. Яқинда шу табаррук отахоннинг уйларида (Фрунзе районидаги Муқимий кўчасида) бўлдим. Юз-кўзидан нур ёғилиб турган, ширинсухан аёл, отахоннинг умр йўлдошлари Азиза онахон пешвоз чиқдилар. Кейин Тоҳиржон ота билан ҳаммамиз давра қуриб ўтириб, суҳбатга берилдик.

Тўқимачилик комбинатида энг обрўли инженер-техниклардан бўлган Тоҳиржон Собировни 1941 йилда ўзбек дивизиясига радист қилиб Москвага юборишади. Москва остонасида бўлган қаттиқ жангда немис-фашист қўшинлари мағлубиятга учрайди.

— Улуғ Ватан уруши бизнинг мамлакатимиз бошидан кечирган ҳамма урушлардан энг оғири бўлди, — дейди Тоҳиржон ота. Баҳодир совет халқи 1418 кеча-кундуз фашистлар билан шиддатли кураш олиб борди. Мана шу кураш давомида жуда кўп қурбонлар берилди, совет халқи қанчадан-қанча мисли кўрилмаган қийинчиликларни бошидан кечирди.

Тоҳиржон ота 520-артиллерия полкида, Белоруссия фронтида командирлик қила бошлади. Немис танкларини яксон қилгани учун махсус медаль билан мукофотланди. 1943 йилдан ўқчи дивизияга командирлик қила бошлайди. 1-Белоруссия, 2-Белоруссия фронтлари тузилди. Юз минглаб меҳнаткашлар мудофаа иншоотлари қуришда қатнашдилар. Душман ишғол этиб турган жойларда партизанлик ҳаракати авж олдирилди.

— 1943 йилнинг охирида Белоруссияни озод қилишга отландик, — дейди Тоҳиржон ота. Разведкачимиз Раҳим Жалолов ва пулемётчи Шермат Бекметов ғоят ажойиб жасорат кўрсатиб, душманнинг сон-саноқсиз танкларини яксон этишди. Бу дўстларим билан байрамларда учрашиб, фронт воқеаларини эслаб турамиз. — Улар ҳозир Тошкент областининг Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозида яшашмоқда.

Тоҳиржон ота Польша, Чехословакия, Болгария, Румыния, Венгрия, Югославия, Норвегияни фашистлардан озод қилишда қатнашди, бир неча бор орден ва медаллар билан тақдирланди.

Тоҳиржон ота Собиров 25 йилдан бери Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ишлар мудирлигининг автомобиль транспортида фидокорона меҳнат қилиб, ҳамма-ҳамманинг ҳурмат-эътиборини қозонди. Отахон чорак аср бир соҳада фидокорона ишлаганликлари учун бир неча маротаба ВЦСПСнинг Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди. Унга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган транспорт ходими» деган унвон берилди.

Табаррук отахон оиласида одобли, ўқимишли фарзандлар етказди. Ҳамма фарзандлари етук кишилар бўлиб етишганидан Тоҳиржон ота ҳам, Азиза онахон ҳам кўксиларини тоғдек кўтариб юришади.

Инсон шу ширин ҳаётда ўзига-ўзи савол беради: «Мен қандай эзгу ишлар қилдим, ҳаётим сароб бўлиб ўтмаяптими?».

Тоҳиржон ота Собировнинг ҳаёт йўли серқирра, мазмунли, ёшлар ибрат олгудек улуғдир! Отахоннинг ҳаётини, мана шу аҳил турмушини яхлит тақдир деб атагим келади.

О. КАРИМОВА.

СОЛДАТ МАКТУБЛАРИ

АЪЛО НАТИЖАЛАР БИЛАН

Коммунистик жамият қуриш учун халқ хўжалигининг турли тармоқларида фидокорона меҳнат қилиб, мамлакатимиз иқтисодий қудратини мустаҳкамлаётган совет халқининг тинч меҳнати унумли бўлишига жангчилар чегараларни ҳушёрлик билан қўриқлаш, жанговар ва сиёсий тайёргарликни ошириш билан ҳисса қўшмоқдалар. Улар замонавий техника сирларини мукаммал эгаллаб, кекса авлоднинг қаҳрамонона анъаналарини дадил давом эттиришяпти. Жанговар ва сиёсий тайёргарлик аълочиларининг қаторида жуда кўп тошкентлик йигитлар ҳам бор. Улардан бири оддий солдат Толиб Саидовдир.

Уни Совет Армияси сафига Октябрь район ҳарбий комиссариати жўнатган эди. Тантанали кузатиш маросимида кўплар қатори унинг ота-онаси ҳам иштирок этганди. Йўлга чиқиш олдидан уларни Толиб:

— Ватан олдидаги бурчимни сидқидилдан бажараман. Жанговар техника сирларини пухта ўрганиб, сафдошларимга ўрнак бўлишга ҳаракат қиламан. Бутун билимим ва кучимни сизларнинг ишончингларни оқлашга сарфлайман, — деб ишонтирган эди.

Толиб Саидовнинг бизнинг қисмимизда хизмат қилаётганига яқинда икки йил тўлади. Биз у билан бир бўлинмадамиз. Босиб ўтилган хизмат воқеалари шу кундагидек ёдимда. Толиб дастлабки кунданоқ ўзига топширилган вазифаларни вақтида ва нуқсонсиз бажариш билан командирларнинг эътиборига сазовор бўлди. Техника сирларини тажрибали жангчилардан сўраб ўрганишга киришди. Тиришқоқлик, ҳар бир ишга синчковлик билан ёндошиш туфайли тез орада иккинчи класс мутахассиси бўлиб етишди. Ҳозир унинг кўксини жанговар ва сиёсий тайёргарлик аълочиси нишони безаб турибди.

Барча қисмларда бўлганидек бизда ҳам Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти куни олдидан жангчиларнинг билим ва кўникмалари синовдан ўтказилди. Жанговар машқда бу сафар ҳам Толиб Саидов ўзини кўрсатди. Барча топшириқларни ўз вақтида аъло даражада бажарганлиги учун қисм командири унга раҳматнома эълон қилди.

А. ИСОМИДДИНОВ.
Н-қисм.

Ҳамшаҳарларимиз шундай хизмат қилишмоқда

ҲАРБИЙ ДЎСТЛИК МУСТАҲКАМ БЎЛАДИ

КАТТА лейтенант Александр Панасюк кечга яқин энг тажрибали сапёрларни ўз хонасига йиғди. У сукут сақлаб турар экан, нигоҳи столнинг ўртасида турган топография харитасида эди.

— Мана бу ерга, — деди у сукунатни бузиб, — чекиниб бораётган «душман» жуда кўп миқдордаги қурол-анжомларни кўмиб кетган. Улар ҳозиргача топилгани йўқ. Бутун майдонни разведкачилар ва мотоўқчилар икки марта тинтиб чиқишди. Лекин натижа бўлмади. Энди ҳамма умид сизлардан...

Панасюк сержант Иван Боцанга юзланиб деди:

— Мотоўқчилар уддалай олишмади, разведкачилар топишолмади, мен эса бу ишни сапёрлар уддалашади, деб командирларни ишонтириб қўйдим. Тўғрисини айтганда, у ернинг остидаги нарсаларни топиш бевосита бизнинг ишимиз. Энди қандай ҳаракат қилишимизни аниқ белгилаб олайлик...

Командир сержант И. Боцанга энг яхши сапёрлардан тўрт кишини танлаш ҳуқуқини берди. Иван ўйлаб ўтирмасдан бирданига Кравченко, Муҳамедов, Мирзааҳмедов ва Лядовичларни танлади. Улар тажрибали бўлиш билан бирга эҳтиёткорликни сақлаб қолиш хислатларига эга эдилар.

— Жуда яхши, — деди қониқиш билан Панасюк ва харитага яна бир нигоҳ ташлади. — Керакли нарсаларни олиб эртага йўлга чиқинглар.

Бундай фавқулодда топшириқ билан рота командири сапёрларнинг маҳоратини, кутилмаган вазиятда қандай ҳаракат қилишлари ва ўйлашларини синовдан ўтказмоқчи эди. Боцан группаси топшириқни қандай бажариши ротанинг умумий кўрсаткичига катта таъсир қилар эди.

Тонг ёришишига бир неча соат қолганида улар дала лагеридан чиқишди. Ғорга етиб борганларида қуёш кўтарила бошлади. Дастлабки тахминларга қараганда қурол шу ерга яширилган бўлиши керак эди. Бироз тамадди қилиб олганларидан кейин ишга киришиб кетишди.

— Мина қидириш мосламаси яхши ишламаяпти, — дея кичик сержант Турсунбой Муҳамедов тошга ўтирди.

Орадан бир минут ўтганидан кейин оддий солдат Валерий Лядович ҳаяжонланиб деди:

— Англаб бўлмайдиган товуш чиқяпти.

Махсус қурилмалар билан қуролланган Иван Боцан уларга юзланди.

— Нима бўлди ўзи? Эҳтимол яхши созламагандирсизлар.

Ярим соат давомида улар мина қидириш мосламасини созлаш билан банд бўлишди. Уни синовдан қайта-қайта ўтказиб кўрдилар.

— Тупроқда темир моддаси жуда кўп экан, — дея хулоса чиқарди Боцан,— бошқа мосламаларни ишга солинглар.

Вазифа яна мураккаблашди. Сапёрларнинг энг ишончли қуроли мина қидириш мосламаси иш бермай қўйди. Лекин аччиқланиш, ҳаяжонланишнинг ўрни эмасди.

Улар ярим кун давомида юз метр масофани ҳам ўта олишмади. Шунда группа раҳбари Боцан ўртоқларининг ҳаракатларида ноаниқлик пайдо бўла бошлаганини сезди. Тажрибада бундай дақиқаларда иккиланиш, шошилиш, катога йўл қўйиш бошланишини кўп марта кўрган эди. Бунинг оқибатида дастлаб сантиметрлар, кейин эса метрлар текширилмай қолиши мумкин.

— Тўхтанглар, ярим соатлик дам олиш. Лядович, консерваларни илитинг ва чой қайнатинг.

— Бизнинг Молдавиямизда бундай дарёлар йўқ, — деди Боцан шиддат билан оқаётган тоғ дарёсига ишора қилиб,— Днестр жуда сокин дарё, лекин у ҳам баҳор ойларида тўлқинланиб оқади.

Мавзунинг бирданига ўзгариши солдатларни асосий вазифадан четлаштирди. Баҳодир Мирзааҳмедов, Михаил Кравченколар даврага яқинлашишди.

Боцан уларга она қишлоғи Суслен, отаси Владимир Георгиевич районда энг яхши комбайнчи эканлиги ҳақида сўзлаб бермоқчи эди. Лекин ҳикоя бошланмасдан қолди. Тоғ томондан ўқ овози эшитила бошлади.

Боцан Лядовичга ўнг томондан айланиб ўтишни топширди. Ўқ отаётган пулемётга жуда яқин бориб қолган Кравченко тирмашиб, тоққа чиқа бошлади. Мирзааҳмедов ва Муҳамедов ўқ отиш билан уни ҳимоя қилиб туришди.

Шу пайт тасодиф юз берди. Кравченко бир неча қадам юқорига силжигандан кейин қимирламай қолди.

— Баҳодир, менинг орқамдан юринг,— деди қаттиқ овозда Боцан.

— Турсунбой, сиз ўқ отиб бизни ҳимоя қилиб турасиз. Икки кўланка тоғ томонга кўтарила бошлади. Улар Кравченкога етиб боришди.

— Нима бўлди? — энтикиб деди Боцан.

— Оёғим тортишиб қолди.

Кейинги ҳаракатларга изоҳнинг ҳожати йўқ эди. Мирзааҳмедов унинг этигини ечди. Оёғини бинт билан маҳкам боғлаб ётқизиб қўйди. Дақиқалар жуда қимматли эди. Боцан ва Мирзааҳмедов чўққига тирмашиб чиқа бошладилар. Пулемёт ўқ отаётган тешикча кўринди. Улар шу ерда икки томонга кетишди. Боцан ўнг томондан, Мирзааҳмедов эса чап томондан юрди. Сержантнинг буйруғига биноан граната улоқтирилди. Лекин улар мўлжалга етмади. Иккинчи марта ташланган граната мўлжалга аниқ бориб тушди.

Кутилмаганда «душман» томонидан уюштирилган ҳужумни қайтариш учун икки соат вақт кетди. Лекин бу ҳужумнинг моҳияти бўлиши керак эди. Ҳақиқатан ҳам шундай бўлиб чиқди.

Уларнинг юқорига чиқишлари тобора қийинлаша бошлади. 10 метр, 30 метр, 70 метр масофа орқада қолди. Ҳар бир жангчи ниҳоятда ҳушёр эди. Бирдан Баҳодир Мирзааҳмедов майда тошлар йиғиб қўйилган жойда тўхтади. У тош уюмини синчиклаб қараб чиқди-да, олдинлаб кетди. Лекин кўп ўтмасдан яна орқага қайтди.

— Ўртоқ сержант, назаримда бу ерда бир сир борга ўхшайди, — деди.

— Бундай хулоса чиқаришга нима асосингиз бор?

—Тошларнинг бирортасида гард ҳам йўқ. Табиатда тошлар бундай тартибсиз сочилиб ётмайди. Тоғнинг ўзига хос саранжомлиги бор.

Иван Боцан бир неча катта тошни ўрнидан силжитиб ерга махсус мосламани қўйди. Уюмнинг иккинчи томонидан Мирзааҳмедов мосламани пастга ташлади. Бирдан овоз эшитила бошлади.

Орадан ўн минут ўтганидан кейин барча тошлар сочиб юборилди. Мағрур ва бахтиёр Лядович дам олишга ўтирди.

Улар топшириқнинг биринчи қисмини бажаришди. Энди иккинчи қисмини уддалаш лозим эди. Яна иш бошланди. Сапёрларнинг белкураклари билан ерни қазий бошладилар. Кўп ўтмасдан бу ердаги тупроқ бир хил эмаслиги аниқланди. Шундан кейин иш янада тезлашди. Оқшом тушиши олдидан улар кўзага дуч келдилар. Қишлоқдан жуда узоқда кўзанинг пайдо бўлиши сирли эди.

— Тўхта,— деди Лядовичга Боцан.

Сержант сопол идишга қўл теккизмасдан синчиклаб текшириб чиқди. У қидирилаётган нарсани топган эди. Соч толасидек кичик сим кўзанинг остига тушиб кетган эди.

Қуёш ботаётган пайтда сержант Иван Боцан радиостанция орқали ҳисобот берди:

— Топшириқни бажардик. Ҳамма нарса жойида.

Мирзааҳмедов шохшаббаларни йиғиб гулхан ёқди, тошларнинг ўртасига консерва банкаларни қўйиб қизита бошлади. Кимдир нон кесиб келтирди.

— Ўртоқ сержант, Сиз Днестр ҳақидаги ҳикоянгизни тугатмадингиз, — дея эслатди Турсунбой.

Уларнинг ихтиёрида қирқ минут вақт бор эди. Шу боисдан ҳам Боцан шошилиб ҳикоясини бошлади. У Оргеев, Кишенев, Молдавия ҳақида сўзларди. Кравченко Украина ҳақида, Лядович Белоруссия ҳақида, Мирзааҳмедов ва Муҳамедовлар эса Ўзбекистон ҳақида сўзлашарди.

Қирқ минут тез ўтиб кетди. Улар қайта йўлга чиқиш олдидан худди оддий кишилардек Боцан ҳамроҳларига юзланди:

—Биласизларми, дўстларим, хизматдан кейин бизларникига меҳмонга боринглар, азиз, кутилган меҳмон бўласизлар.

— Бизникига ҳам боринглар, — деди бир вақтда Кравченко ва Лядович.

Бирдан енгил кулги кўтарилди. Жангчиларнинг қалбида бир хил умид, бир хил орзу бор эди.

Улар ҳарбий шаҳарчага тонг пайтида етиб келишди. Ҳар бир жангчи бажарилган топшириқ, кўрсатилган жасорат, енгиб ўтилган қийинчиликлар ҳақида ўйлар эди.

О. БЕДУЛА,
капитан.

«Янги турмуш» отахони

Юсуфбек ака уруш йилларини эсласа, совет жангчиларининг матонати, харобага айланган шаҳар ва қишлоқлар, немис-фашист газандалари зулмидан озод этила бошлаган республикаларимиз ҳамда Европадаги бир қатор мамлакатлар манзараси кўз олдидан ўтади. У Ватан ҳимоясига отланганда куз фасли эди. Она-Ватан озодлиги учун курашаётган жангчиларимизнинг фикри-зикри тезроқ босқинчи газандаларни тор-мор қилиш эди...

Уни дастлаб зенитчилар мактабига юборишди. Махсус тайёргарликдан ўтгач, бир неча қуролдош дўстлари билан бирга фронтга йўл олди. Ўша пайтларда совет жангчилари қўлида фашистлар учун даҳшатли бўлган қурол пайдо бўлиб қолган эди. Юсуфбек ака ҳам ўзининг «катюша» сини сайратиб жуда кўп фашист босқинчиларини ер тишлатди. Ватанимизни шимолий-ғарбий районлари, Украинанинг шаҳар ва қишлоқларини озод қилишда қатнашди. Ветеран жангчининг хотирасида айниқса биринчи Украина фронтида бўлган қонли олишувлар бир умр сақланиб қолган. Зенитчи ўзбек йигити душман устига снарядни ёмғирдек ёғдирар эди. Жанг майдонида фашистлар ер тишлаб чўзилар эдилар. Қизишиб кетган Юсуфбек ака бир пайт бўйнида оғриқ сезди. У қон оқиб турганига қарамай жангни давом эттирди. Фақат қуролдош дўстлари ва медицина ҳамшираси ёрдамга келгандагина ўқ отишни тўхтатди. Маълум бўлишича унинг бўйнига дайди ўқ теккан ва енгил ярадор бўлган экан. Ю. Ёқубов яна жангга кириб кетди. Совет қўшинлари аллақачон зафарли юришларини бошлаган эдилар. Юсуфбек ака ҳам душманни қувиб Германиягача борди.

Зафар қучиб қайтган жангчи Ю. Ёқубов энди тинч яратувчилик меҳнатга қайтди. Ветеран жангчи ўзининг камтарлиги, одамларга меҳрибонлиги билан ҳамманинг ҳурматини қозонди. Шунинг учун ҳам Юсуфбек акани Тошкент шаҳар Собир Раҳимов районидаги «Янги турмуш» маҳалласи аҳли ўзларига раҳбар қилиб сайладилар. Мана Юсуфбек ака маҳалла комитети раиси бўлиб ишлаётганига ҳам қарийб 34 йил бўлди. Юсуфбек ака Ёқубов маҳалла исми-жисмига монанд бўлиши учун жон куйдириб меҳнат қиляпти. Янги турмушликлар сўнгги йиллар ичида чинакам янги турмуш қурдилар. Маҳалла тубдан ўзгарди, турли фойдали ва хайрли тадбирлар ўтказиб туриладиган бўлди. Ана шуларнинг ҳаммасида Улуғ Ватан уруши ветерани Юсуфбек ака Ёқубовнинг катта хизматлари бор, албатта. Бу ерда тез-тез уруш ва меҳнат ветеранлари билан учрашувлар ўтказиб турилади. Ёшлар ишлаб чиқариш новаторлари, жангу жадалда қаҳрамонлик намуналарини кўрсатган жасур кишиларнинг суҳбатларидан баҳраманд бўлиб, коммунистларчасига яшаш ва меҳнат қилишни ўрганишмоқда. Бу хайрли ишда ҳам Юсуфбек Ёқубовнинг ҳиссаси бор.

А. ТОЛИПОВ.

ҲЕЧ КИМ ВА ҲЕЧ НАРСА УНУТИЛМАЙДИ

ЁДГОРЛИК ТИКЛАНМОҚДА

Улуғ Ватан уруши қолдирган асорат кишилар ёдидан мутлоқ кўтарилмайди. Чунки, бу уруш қанчадан-қанча тинч ва осойишта хонадонларга қайғу олиб келди, минг-минглаб оилаларнинг ёстиғини қуритди. Биргина шаҳримизнинг Киров районига қарашли Фирдавсий номли маҳалланинг ўзидан мана шу урушда 284 киши ҳалок бўлди ва бедарак йўқолди. Она-Ватан озодлиги йўлида қон тўккан Содиқ Ҳошимов, Ғаффор Мақсудов, Нуриддин Дадаев, ака-ука Зокир ва Дўлан Муҳиддиновлар, Комил ва Исмоил Имомжоновлар ҳамда Александр Ивановларнинг номи маҳалладошларнинг дилида ҳамон сақланади.

Яқинда маҳалла аҳли урушда ҳалок бўлганлар хотирасини абадийлаштиришга аҳд қилди.. Ёдгорликни қаерга ва қандай ўрнатиш ҳақида кўп мулоҳазалар бўлди. Ниҳоят ёдгорлик учун жой танланиб, майдон ажратилди. Бир вақтлар «Узбексельмаш» заводи ишчилари яшаган эски уйлар бузилиб текисланди ва маҳалла комитети ихтиёрига топширилди.

Дастлаб ёдгорлик хиёбонини суғориш ва кўкаламзорлаштириш ишлари учун зарур бўлган водопровод ва насослар ўрнатилди. Йўлкаларга асфальт ётқизилди. Турли-туман манзарали дарахт ва гул кўчатлари экилди. Бу ишда айниқса, «Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси машинасозлари ибрат кўрсатишди. Ёдгорлик зонаси атрофини ўраб турувчи шаклдор металл тўсиқларни ҳам мана шу корхона коллективи ишлаб берди. Маҳалла активларидан Ленин ордени кавалери Ш. Убайдуллаев, Улуғ Ватан уруши инвалиди, жанговар Қизил Байроқ ордени кавалери Ҳ. Саидхўжаев, кекса коммунистлар Улуғ Ватан уруши иштирокчилари К. Дадаев, И. Шокиров, С. Ҳошимов, С. Содиқов, А. Маҳмудов, Т. Йўлдошевларнинг хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ зарур.

Ҳар шанба ва дам олиш кунлари бу ерда маҳалла аҳли иштирокида ҳашар ўтказилиб, ободончилик ишлари амалга оширилмоқда.

Ҳа демай маҳалла марказида жонажон Ватанимиз озодлиги ва мустақиллиги учун курашда қаҳрамонона ҳалок бўлган маҳалла фарзандларининг хотира ёдгорлиги қад кўтаради. Ана шунда майдон одамлар билан янада гавжум бўлади. Бу зиёратгоҳга ташриф буюрганлар қаҳрамонлар хотираси учун бир зум бош эгиб, ёдгорлик пойига ранг-баранг гуллар қўядилар.

М. КОМИЛЖОНОВ.

СУРАТДА: маҳалла вакиллари навбатдаги ҳашарда.

М. Нуриддинов фотоси.

Редактор ўринбосари С. Б. ЁҚУБОВ.

ТРИКОТАЖ ДОИМО МОДАДА

ТРИКОТАЖ ПИШИҚ, ДАМ ОЛИШ ВА СПОРТ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШ, КУНДА ВА БАЙРАМ КУНЛАРИ КИЙИШ УЧУН ДОИМО ҚУЛАЙДИР.

«Ўзбекистон» фирма савдо бирлашмасининг

2-МАГАЗИНИДА

23—27 ФЕВРАЛЬ КУНЛАРИ

Тошкент шаҳридаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси буюмларининг

САВДО – КЎРГАЗМАСИ ЎТКАЗИЛАДИ

Савдо-кўргазмасида харидорларга қуйидагилар таклиф қилинади:

эркакларга: модали жемперлар, яримжун ва жунли матодан тикилган спорт костюмлари;

аёлларга: енгиллаштирилган кримплендан тикилган кўйлаклар, аралаш толали матодан тикилган блузкалар ва юбкалар;

болаларга: ёркин рангли сарафанлар, ўғил болалар учун пахта ва полиэфир аралашмали матодан тикилган кўйлаклар.

САВДО- КЎРГАЗМАСИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

2-магазин адреси: Тошкент шаҳри, Охунбобоев майдони (7, 8, 11, 15, 16-трамвайлар, 28, 36-автобуслар, 8-троллейбуснинг «Чорсув» бекати).

Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигининг Марказий лойиҳа конструкторлик ва технологик бюроси.

ТЕННИС САРОЙИДА

(Высоковольт массивида)
25 ФЕВРАЛЬ—4 МАРТ КУНЛАРИ

БАСКЕТБОЛ

1-ЛИГА ЭРКАКЛАР КОМАНДАЛАРИ ЎРТАСИДА
СССР БИРИНЧИЛИГИНИНГ ЯКУНЛОВЧИ
ФИНАЛ ТУРИ

Қатнашадилар: «Строитель» (Харьков), НКИ (Николаев), «Алмаз» (Москва), «Красний котельщик» (Таганрог), СКА (Рига), «Локомотив» (Хабаровск), «Уралмаш» (Свердловск), «Университет» (Тошкент).

Ўйинлар соат 14.00 да бошланади.

Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими давлат комитети

206-ШАҲАР ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1982—83 ўқув йилига

қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

автомобиль кранининг ҳайдовчиси, Совет Армияси сафларидан запасга бўшатилганлар (3 классли) «С» категориядаги гувоҳнома олиш учун ўқийдилар;

автослесарь, бульдозер, скрепер, прицепли грейдер ҳайдовчиси, суворчи-бўёқчи, дурадгор, сантехник, электр слесарь, электр пайвандловчи.

Ўқиш муддати: 10 синф ҳажмида маълумотли йигитлар ва қизлар учун 6 ойдан бир йилгача, 8 синф ҳажмида маълумотлилар учун эса — 3 йил.

10 синф ҳажмида маълумотли ўқувчилар ойига 30 сўм стипендия, сантехник ва электр слесарлар—65 сўм, шунингдек ишлаб чиқариш практикаси вақтида иш ҳақининг 50 процентини оладилар. 3 йил муддат билан ўқийдиган ўқувчилар исталган олий ўқув юртига кириш ҳуқуқини берадиган ихтисослик ва ўрта маълумот бўйича диплом оладилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар олий, ўрта ўқув юртларига имтиёзли шароитларда қабул қилинадилар.

Билим юртини битирувчилар Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга юбориладилар.

Ўқиш вақти меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртида ёғоч ўймакорлиги, фото тўгараклари, вокал-чолғу ансамбли ва бошқалар ишлаб турибди.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак бўлади: директор номига ёзилган ариза, маълумоти тўғрисида гувоҳнома, справкалар: турар жойдан, медицина (286-форма), автомобиль крани ҳайдовчилари автомашиналар ҳайдаши учун 6 та фотосурат (4х5 см).

Ҳужжатлар ҳар куни соат 9 дан 17.00 гача (якшанбадан ташқари) қабул қилинмоқда.

Адрес: 700128. Тошкент шаҳри, Октябрь райони, Хуршид кўчаси, 83-уй, (48-автобус, 23, 27, 10-трамвайлар, 10-троллейбуснинг «Лабзак» бекати. Телефон 41-38-22.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 24/П да Келинлар қўзғолони, 25/П да Нодирабегим, 26/П да Гурунг.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 24/П да Тошкентнинг нозанин маликаси (15.30, 19.30), 25/П да Тўйдан олдин томоша, 26/П да Хизматингизга тайёрмиз.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 24/П да Можаро, 25/П да Чандиқлар, 26/П да Тинмасин соз.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА —янги программа «ПАҲЛАВОН ва ШЕР» аттракциони.

КИНО

24 ФЕВРАЛДА
ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«СОЛДАТ БИЛАН ЕНМА-ЕН» Восток.

«СИОНИЗМ — СТРИТ» — Янгиобод.

«ҚИЗИЛ ДАФТАР» — Қозогистон.

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«БУЙРУҚ: ЎТ ОЧИЛМАСИН» — Санъат саройи (кичик зал, 11, 13, 15, 17, 18.45, 20.50), Чайка (жуфт соатларда).

«ЮЛДУЗ УЧИШИ» — Тошкент Советининг 50 йиллиги номли (жуфт соатларда), К. Ерматов номли (жуфт ва тоқ соатларда).

«ИЗЛ ҲОДИСАЛАРИ» — Нукус (тоқ соатларда).

«ҚОРА ҚАЙИН» — Москва (11, 14, 17, 20.00).

«БУТУНЛАЙ АКСИ» — Лисунов номли (тоқ соатларда).

«ЎТГАН КУН ФАКТЛАРИ» — Қозоғистон (12, 15, 18, 21.00), Тинчлик (12.30, 15.30, 18.30, 21.00).

«МАХСУС ЭЪТИБОРДАГИ ЗОНА. ЖАВОБ ЮРИШИ»— Восток (11, 14, 17, 20.00), Қозогистон (11, 14, 17, 20.00).

«МОСКВА КЎЗ ЁШЛАРГА ИШОНМАЙДИ» — Искра (17, 20.00).

М. Қориёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

26, 27 ФЕВРАЛЬ, СОАТ 19.00 да
М. Қориёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси артистларининг

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Қувондиқ ИСКАНДАРОВ, Шариф СУЛТОНОВ, Мўътабар ИЗЛДОШЕВА.

VI жаҳон фестивалининг лауреати Отамурод ҲОЖИЕВ

Солистлар: Фахриддин УМАРОВ, Обиджон ОДИЛОВ, Фотима БАРАТОВА, Абдуқодир ЮСУПОВ, Нодира АҲМЕДОВА, Ойхон ЁҚУБОВА, Таваккалхон ТУРСУНОВА, Хонзода АКБАРОВА.

Ўзбек халқ чолғу асбоблари ансамбли.
Музика раҳбари — Азиз МУЛЛАХОНОВ.
Программани — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ғулом ТОЖИАЪЛОЕВ олиб боради.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ГРАЖДАНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ ЯККА БУЮРТМАЛАР БЎЙИЧА КИЙИМЛАР ТИКИШ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИ БИРЛАШМАСИНИНГ АТЕЛЬЕЛАРИ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ

36-АТЕЛЬЕ (Луначарский шоссеси, 253-уй, маиший хизмат уйи қошида)—енгил кўйлаклар, пальтолар, пиджаклар ва шимларнинг майда ва йирик ремонтларини бажаради.

«СИЛУЭТ» АТЕЛЬЕСИ (Новий путь кўчаси, 81-уй) — аёллар пальтоси, шим, аёлларнинг кўйлакларини тикиб бериш учун буюртмалар қабул қилади.

«ЧАРОДЕЙКА» МОДАЛАР АТЕЛЬЕСИ (2-Қўйлиқ массиви, Савдо магазини) — ёзги куйлаклар, шимлар тикиб бериш учун буюртмалар қабул қилади.

2-АТЕЛЬЕ (Ш. Руставели кўчаси, 52-уй) — эркакларнинг пальтолари, костюмлари, шимларини ва аёлларнинг енгил кўйлакларини тикиб бериш учун буюртмалар қабул қилади.

16-МОДАЛАР АТЕЛЬЕСИ (Марказ—14 квартали, маиший хизмат кўрсатиш комплекси) — шимлар ва енгил кўйлаклар тикиб бериш учун буюртмалар қабул қилади. Буюртмалар 3—4 кун ичида бажариб берилади.

«БАҲОР» АТЕЛЬЕСИ (Марказ—27 квартали) — миллий кийимлар тикиб бериш учун буюртмалар қабул қилади.

31-АТЕЛЬЕ (Ҳақиқат кўчаси, 62-уй) — миллий кийимлар ва эркакларнинг шимларини тикиб бериш учун буюртмалар қабул қилади.

18-АТЕЛЬЕ. (Мўминов кўчаси, 12) — аёлларнинг енгил кўйлакларн, шимлар, автомашиналар учун ғилофлар тикиб бериш ва қавилган одеяллар тайёрлаб бериш учун буюртмалар қабул қилади. Телефон — 33-04-86.

5-АТЕЛЬЕ (Космонавтлар проспекти, 35-уй) — шимлар, аёлларнинг енгил кўйлаклари, бош кийимларини тикиб бериш учун буюртмалар қабул қилади. Телефон 56-17-50.

«МОЛНИЯ» МОДАЛАР АТЕЛЬЕСИ (Самарқанд кўчаси, 49-уй)—шимлар ва енгил кўйлаклар тикиб бериш учун буюртмалар қабул қилади.

22-АТЕЛЬЕ (Спутник массиви) Марказ—3 квартали, 5-уй) — шимлар, аёлларнинг енгил кўйлакларини тикиб бериш учун буюртмалар қабул қилади. Телефон — 53-87-71.

34-АТЕЛЬЕ (9-Январь кўчаси) —аёллар ва эркакларнинг устки кийимларини ҳамда аёлларнинг енгил кўйлакларини тикиб бериш учун буюртмалар қабул қилади.

46-АТЕЛЬЕ (1/4 Қорақамиш массиви, 35-уй) — аёлларнинг кўйлакларн ва эркакларнинг шимларини тикиб бериш учун буюртмалар қабул қилади.

Буюртмаларни бажариш муддати: шимлар—3—7 кун, кўйлаклар —15 кун, пиджаклар, пальтолар — 20 кун.

«ЮНОСТЬ» СТОЛГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ПОЙТАХТНИНГ ЧИЛОНЗОР РАЙОНИДА ЯҚИНДА ОЧИЛГАН

«ЮНОСТЬ»

ЯНГИ КАФЕЛАРДАН БИРИДИР.

Бу ерда Сиз вақтингизни кўнгилдагидек ўтказишингиз, дўстларингиз билан дам олишингиз, тез ва мазали овқат ейишингиз мумкин.

Малакали ошпазлар бу ерга келганларга европача ва миллий таомларни тайёрлаб берадилар.

Тошкентимиз меҳмонлари бу ерда палов, маставани татиб кўришлари ва унга муносиб баҳо беришлари мумкин.

«ЮНОСТЬ» кафеси Халқлар дўстлиги проспекти, 2-уйда жойлашган (70-автобус, 6, 11-троллейбуслар, 4, 9, 11-трамвайлар ва метронинг «Ҳамза» станцияси» бекати).

Кафе соат 9.00 дан 20.00 гача ишлайди.

Танаффус 15.00 дан 16.00 гача.

КАФЕГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

Чилонзор ошхоналар трести.

МОДАЛИ КИЙИМГА–МОДАЛИ ШЛЯПА ЯРАШАДИ

Бош кийимлари, одатда, уст кийим ансамбли билан уйғунлашиб кетиши лозим. Улар спорт услубининг соддалигини, классик моданинг жиддийлигини таъкидлаши ёки аксинча, уларни юмшатиб романтик, янада кўркам қилиши мумкин.

ОХУНБОБОЕВ НОМЛИ ИХТИСОСЛАШГАН БОШ КИЙИМЛАР ФАБРИКАСИ ХОТИН-ҚИЗЛАР, ЭРКАКЛАР, ВА БОЛАЛАР УЧУН ШЛЯПАЛАР, ШАПКАЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРАДИ.

Мода йўналишларини ўзига хос талқин этиш, ассортиментининг ранг-баранглиги туфайли корхона маҳсулотларига эҳтиёж ҳамиша катта.

Сунъий мўйнадан тикилган қулоқчинлар, эркакларнинг ёзги бош кийимлари аёлларнинг сунъий мўйнадан тикилган қишки бош кийимлари, «таблетка» модали шляпкалар, чипта, духобадан тикилган пилоткалар, хотин-қизларнинг ип-газламадан тикилган ёзлик шляпалари, болаларнинг турли мавсумга мўлжалланган бош кийимлари — харидорларга таклиф этилаётган бош-кийимларининг тўла бўлмаган ассортименти ана шундай.

Жами 94 номдаги бош кийимлар. Шулардан 12 моделдагиси давлат Сифат белгиси билан, 4 буюм «Н» (янгилик) индекси билан ишлаб чиқарилган.

Фабриканинг «Ўзбекистон» фирма магазини бўлиб, бу ерда эҳтиёжни ўрганиш бўлимининг ходимлари бир ойда уч марта харидорлар билан учрашадилар.

ОХУНБОБОЕВ НОМЛИ БОШ КИЙИМЛАР ФАБРИКАСИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон агентлиги.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

23 ФЕВРАЛЬ— СЕШАНБА
СОВЕТ АРМИЯСИ ВА ҲАРБИЙ-ДЕНГИЗ ФЛОТИ КУНИ

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.15 Совет қўшиқларидан концерт. 18.30 КПСС XXVI съездининг йиллигига. «Инсон манфаатлари йўлида». Телевизион ҳужжатли фильм. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 Болалар куйлайди. 19.40 «Бугун— Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти куни». СССР Қуролли Кучлари Бош штабининг бошлиғи, СССР Мудофаа министрининг биринчи ўринбосари, Совет Иттифоқи Маршали Н. В. Огарков сўзи. 19.55 «Солдат ҳақида қисса». Бадиий фильм. 21.30 «Время». 22.05 Останкинода Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти кунига бағишланган байрам кечаси. 23.55 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

16.30 Янгиликлар. 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Мангу қўшиқ». Телевизион бадиий фильм. 20.00 «Спорт ҳафталиги». 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!». 20.45 Телевизион ҳужжатли фильм (Владивосток). 21.15 Донецк шаҳар Маданият уйи баянчилар оркестрининг чиқиши. 21.30 «Время». 22.05. Хоккей бўйича СССР чемпионати. МАСК — «Динамо» (Рига).

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

17.50 Кўрсатувлар программаси. 17.55 Кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари учун. «Сўз кетидан сўз келар» (такрорий). 18.15 Болалар учун «Қувноқлар даврасида». Кўрсатув Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти кунига бағишланади. 18.45 «Ленин йўлидан». КПСС XXVI съезди очилганлигининг йиллигига. 19.15 «Ахборот» (рус.). 19.30 «Солдат мактублари». Совет Армияси ва Ҳарбий.— Денгиз Флоти жангчиларининг талабларига биноан концерт. 20.10 «Ахборот». 20.30 «Енгилмас ва афсонавий». Совет Қуролли кучларининг 64 йиллигига бағишланган кўрсатув. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Ўзбекистон қишлоқ меҳнаткашларининг янги марралари». 22.25 Телевидение экранида биринчи марта. «Фронт ортидаги фронт». Бадиий фильм. 2-серия. 23.50 Кўрсатувлар программаси.

24 ФЕВРАЛЬ— ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 «Солдат ҳақида қисса». Бадиий фильм. 11.15 Мультфильмлар программаси. 11.45 «Киносаёҳатчилар клуби». 12.45 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 Илмий-оммабоп фильмлар программаси. 15.45 «Рус тили». 16.15 М. Равель. «Вальс». 16.30 «Ҳаёт формуласи». Телевизион очерк. 17.00 Чанги спорти бўйича жаҳон чемпионати. 17.35 «Горячилар, қаердасиз!» Душанбадан олиб кўрсатилади.

18.05 «Хабаровск ўлкаси ва Томск области бадиий коллективларининг чиқиши. 18.30 «Фан оламида». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Онлавий даврада» туркумидан. «Сизнинг онлангизда ким бошлиқ?». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 20.20 «Партия қарорини амалга ошира бориб». КПСС XXVI съезди делегатлари ҳикоя қиладилар. 20.35 «Дўстлар уртоқлар ҳақида». Киноконцерт. 21.30 «Время». 22.05 К. Федин. Ижоди саҳифалари. Тугилган кунининг 90 йиллигига. 23.20 «Дунё воқеалари». 23.35 «Жаҳон халқларининг ижоди».

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

18.30 Янгиликлар. 18.50 «Ўзўзингга бўйруқ бер». Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 19.55 Магадан области бадиий коллективларининг чиқиши. 20.20 «Қорақурт». Ҳужжатли фильм («Қозахфильм»). 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!». 20.45 «Дўстларимиз чеҳраси». 21.30 «Время». 22.05 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Москва) —«Торпедо» (Горький).

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Сепкилвой-ҳайвон ўргатувчи». Мультфильм. 18.10 Мактаб ўқувчилари учун «Камалак». 18.40 «СССР ташқил топганлигининг 60 йиллигига— 60 зарбдор ҳафта». «Ўзхлопкомаш» ишлаб чиқариш бирлашмасидан репортаж. 19.00 «Интернационал дўстлик клуби». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Ростов—шаҳар, Ростов-Дон». Фильм-манзаралар. 20.00 «Турмуш ва маданият». 20.30 «Ахборот». 20.50 «Ҳамиша изланишда». Ўзбекистон телевидениеси ва радиосининг хизмат кўрсатган хори ҳақида музикали очерк (такрорий). 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги. 22.20 «Соҳилга рухсат». Бадиий фильм. 23.45 Кўрсатувлар программаси.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент область ва Тошкент шаҳар комитетлари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ўзбекистон Компартияси Киров район комитетининг биринчи секретари М. С. Камоловага онаси

Норпоча ЮСУФХУЖАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Октябрь райпишчеторги коллективи 29-магазин сотувчиси

Носир Қобулович ОТАХОНОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

4 бет ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41 ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат, — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-63-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83 совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот—33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-55-32; хатлар — 33-29-70; аълонлар бўлими —33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

23 ФЕВРАЛЬ, 1982 й. Р— 07088. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. В-2524. Индекс 64691.